

## Ислом ҳақ дин, «менимча...» эмас



22:23 / 13.02.2018 4225

**Агар ҳақ уларнинг ҳавойи нафсларига эргашса, албатта, осмонлару ер ва улардаги кимсалар бузилиб кетар эди. Йўқ! Биз уларга ўз шарафларини келтирдик. Улар эса шарафларидан юз ўгирувчидирлар.**

Ҳақ битта, яъни Аллоҳнинг динидир. Ҳамма ҳаққа эргашмоғи лозим. Аммо кофирлар ҳақни чегараламоқчи бўладилар. Ҳақни ўз хоҳишларига бўйсундиришни истайдилар. Мушриклар ҳақ ўзларининг ҳавойи нафсларига эргашини хоҳлайдилар. Шунинг учун ҳам: «Менимча, дин ундай бўлиши керак ёки бундай бўлиши лозим, пистон нарса билан чегараланиши зарур», - дейдилар.

**«Агар ҳақ уларнинг ҳавойи нафсларига эргашса, албатта, осмонлару ер ва улардаги кимсалар бузилиб кетар эди».**

Чунки ҳақ битта, одамларнинг ҳавойи нафслари эса чексиздир. Шунинг учун ҳам ҳавойи нафс ила ҳақиқатга эришиб бўлмайди. Қачон ҳавойи нафснинг кўйига тушилса, фасодга учралади. Фасодга учрамаслик учун ҳақ одамларнинг ҳавойи нафсига эмас, балки одамларнинг ҳавойи нафслари ҳаққа тобе бўлиши керак. Одамлар динни эмас, дин одамларни чегаралаши лозим. Аллоҳдан келган ҳақ – Ислом одамларни йўлга солиши лозим. Аммо одамлар у ҳақдан – Исломдан юз ўгирмоқдалар. Ҳақни – Исломни ҳавойи нафсларига эргаштиришни истамоқдалар.

**«Йўқ!»**

Уларнинг бу ишлари нотўғри! Ҳақдан юз ўгиришлари ҳам, ҳақни ҳавойи нафсларига тобе қилмоқчи бўлишлари ҳам нотўғри!

**«Биз уларга ўз шарафларини келтирдик».**

Биз келтирган Қуръон – Ислом – ҳақ улар учун шарафдир. Ким ҳаққа эргашса, амал қилса, шон-шарафга эга бўлади.

**«Улар эса шарафларидан юз ўгирувчидирлар».**

Уларнинг Аллоҳ таолонинг динидан юз ўгиришлари ўзларига аталган шон-шарафдан юз ўгиришларидир.

Биз «шараф» деб таржима қилган сўз оятда «зикр» лафзи билан келган. «Зикр» эслаш, ёд қилиш маъносини ҳам англатади. Бу оятда одамлар томонидан зикр қилиб юриладиган даражада мартабага эриштирадиган нарса кўзда тутилганини эътиборга олган уламоларимиз бу оятдаги «зикр»ни «шараф» деб таъвил қилганлар. Мисол учун, араблар Исломгача инсоният тарихида ҳеч зикр этилмас эди. Исломдан сўнг улар зикрга эришдилар. Бутун дунё уларни зикр қиладиган бўлди. Бу эса улар учун шарафдир.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф***

*(Тафсири ҳилол китобидан)*